

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 22 октябрь
шанба
Соғувда эркин норхда
№ 209 (1990)



ЧОРШАНБА
ХАБАРЛАРИ

• БИЗ ВА ЖАҲОН

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Ўзбекистонда тозалаш заводи вилоятдаги тўнғич корхоналардан бири. Заовд яқинда ўзининг 100 йиллигини нишонлади. Бу йиллар мобайнида корхона ҳар жиҳатдан ўсиб, ривожланди. Унинг маҳсулотлари республикамиздагина эмас, хорижий давлатларда ҳам яхши маъқул. Корхонада тайёрланаётган пахта толаси Белгия, Жанубий Корея, Моксористон, Туркия, Хитой, Швеция, Оманни давлатларидаги фирма ва компаниялар томонидан харид қилинмоқда, — деб хабар беради муҳбиримиз П. Жумаев.

Утган йили завод 11 минг 885 тонна пахта толасини хорижий мамлакатларга сотди. Натижада вилоят экспорт салоҳиятига олдинги йилга нисбатан анча кўп миқдорда валюта тўпланди. Яқинда бу ерда йилга 6,5 минг тонна сифатли уруғлик чиқит тайёрлаб берадиган цех ишга туширилади.

Ҳозир корхона жамоаси янги пахта ҳосилини пешмеш қабул қилиб олмақда.

• КЎРГАЗМА

ФАРҒОНИЙ... НИЛ ДАРЭСИ СОҲИЛИДА

Бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғоний таваллуудининг 1200 йиллигига алоқ, Фарғона вилоят ўқувхонаси музейида Ўзбекистон Ёдлий академияси аъзоси, истеъдодли муассар Раҳмонжон Мирзавнинг асарлари кўргазмаси очилди, — деб хабарлайди А. Тўхтасинов.

Янги очилган кўргазмада ижодкорнинг вилоят бўйлаб ижодий сафари жараёнида яратилган асарлари томоша биланга ҳавола қилинган. Кўргазмада Аҳмад ал-Фарғоний ижодига алоқан портретлар ҳам киши эътиборини тортди. Унинг сиймоси Нил дарёси фонида акс эттирилган. Қўлида китоб, эғинада яшил чопон, чехрасидан нур таралётгандай тасвирланган суратга боқиб бобокалонимизнинг заковатидан ҳайратланасан, киши. Шунингдек, Фарғоний тўғрисида ўқиб қўйишлари, ширатгоҳлар, тарихий обидлар, замондошларимиз портретлари ҳам кўргазмадан ўрин олган.

• ХУШХАБАР

ГАЗ МИҚДОРИ КЎПАЯДИ

Муборак газни қайта ишлаш заводи истиқлол йилларида янада кенгайди, меҳнат умумдорлиги бошди. Янги технологик ускуналар фойдаланишга топирилган, заводнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 30 миллиард кубометрга етказилди, — деб хабар қилади Ж. Яхшибоев.

2010 йилгача белгиланган режага асосан пропан билан совутиш ва сульфини қурилмалари жадвали билан бунёд этилаётган. Улар ишга тушса, завод ҳаётида тўв буриш ясаиб, жаҳон стандарти талабларига жавоб бера оладиган широтни яратилади. Бунинг аҳамияти қандай?

Биринчидан, атроф-муҳит музафоллиги таъминланса, иккинчидан, регаелар ўрнига пропан-аммиак қўллана бошланади. Учунчидан, газни тозалаш миқдори 80-85 фойдан 98 фойгга етказилади. Ва яна 16 минг тонна олтинзургурт ишлаб чиқариш имконияти туғилади.

• ТАЖРИБА

ЎША КУНИ ПУЛ КЎП ТУШДИ

Давлатимиз ҳазинасини тўлдиринида бозорларнинг аҳамияти жуда катта. Бу айниқса, папмачиларнинг зиммасига улакан масъулият юқлайди. Бироқ, улар ана шу вазифани ижоддан бажаришарми? Бу савола Фарғона вилоят солиқ бошқармаси хохимлари йўқ, деб жавоб беришади. Чунки уларнинг бозорларда ўтказган тажрибаси бунга асос бўла олади.

Жамоатчи муҳбиримиз З. Махсумовнинг хабарига кўра, бошқарма хохимлари талабларни жааб этган ҳолда вилоятдаги мажбу 85 та бозорда жамоатчилик асосида папмачилик вазифасини бажаришар. Натижада шу кунга кассасига 1 миллион 537 минг 400 сўм кириш қилинган. Бу — тажриба ўтказилмаган кундангидан 99 минг 300 сўм ортқ эканлигини кўрсатади. Демак, ҳар бозор кунидан шунча пулни папмачилар чўнтакка уриб кетишар эканда.

Фарғоналик солиқчиларнинг бу тажрибаси аммалашса, ёмон бўлмасди.

• БОЖХОНА БЕКАТИ

БЕНЗИН ҚИММАТМИ, ГЕРОИН?

Бунни душанбалик Комил Муҳаммаднинг айтишига асосан, дарров жаавоб қайтаради. Бироқ улар ҳам бу сафар ишониб қилинмиш. Тошкент вилоят божхона бошқармасининг «Илалма» чегараси постни хохимлари Тожикистондан Россияга йўл олакан минимални тўлатишди. Блекки лақаблик хизмат ити ёрдамида машина божхона назоратидан ўтказилганда, унинг олдига уридиқариса уриатилган яширин жойига, юкхонага, бензин баки тасвга яширинган қарийб 4 кг геронин, 39 кг опий, жами 43 килограммдан кўпроқ қоридори маҳсулотлари топиб олинди. Комил ва Сергейларнинг ёддан эса қўлаб АҚШ долларлари ва гиҳавонлик моддаларини қабул қилишга муайянланган ширинлар топилади.

Соат миллиарини ЖУШҚИН кузати.

Телефонларимиз:
133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

АРАФА ҚУВОНЧЛАРИ

ҚУТЛУҒ ТЎЙГА ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

Кўхна Шарқнинг машҳур алломаси, буюк юрдошимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд тўйига санокли кунлар қолди. Асосий тантаналар Фарғона ва Қувада бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёрларлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Журабеков бошчилигидаги ғурух Қуванинг қадимий Шахристонда ҳамда Фарғонадаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳда бўлиб, қутлуғ санага сўнгги тайёрларлик ишлари қандай бораётгани билан танишди. Байрамона либосга бурканган Шахристонда ва Аҳмад ал-Фарғоний боғида бунёдкорлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Маданий-маиший ишшоотлар, хизбон ва йўлқаларда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ташкилий қўмита аъзолари асосий тантаналар ўтатиладиган бош майдонда байрам томошаларига ҳозирлик ҳусусида фикр-мулоҳаза билдириб, амалий кўрсатмалар бердилар.

Табрида Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов, вилоят ҳокими Н. Мўминов қатнашди.

Расулжон КАМОНОВ,
ЎЗА муҳбири.



Марҳамат туманидаги Тўхтасин Мирзав номида жамоа ҳужалиги пахтакорлари ўтган йили ҳар гектар ердан 49 центнердан пахта ҳосили олишди, юқори кўрсаткичга эришган эдилар. Улар бу йил мажбул 1180 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришни мақсад қилиб қўйишган.

Бутун ҳўжалик далаларида бўлган киши бу ерда иш шу мақсадга яраша ташкил этилаётганининг ғувоҳи бўлади. Жумладан терим иштирокчиларига барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Мусобақа илғорлари ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантирилиб бормоқда. Шунга монанд режани ошириб бажарётган бригадалар сони кун сайин ортиб бормоқда.

СУРАТДА: ҳўжалик бошқаруви раиси Ўйлонхўжа Маҳмудов чевар теримчилар Холисов Хўшимов ва Зумрадхон Исроилова билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Тошкентда иш бошлаган «Фундаментал фанлар жамят хизмати»: Марказий Осиёда ҳамкорлик имкониятлари ва истиқболлари» мавзусидаги анжуман ҳам шу йўлдаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Анжуманни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Т. Жураев очди.

Тошкент анжуманида минтақамиз давлатлари фанлар академиялари, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юрларининг раҳбарлари, фундаментал фан соҳаларининг етакчи вакиллари иштирок этмоқда.


Тошкент анжумани ниҳоясида фан тараққиётига оид яқуний тавсияномалар қабул қилинади. Тавсияномалар Бутунжаҳон Фан Конференцияси кун тартибига кириштиш учун ташкилий қўмитага юборилади.

Анжуман ишида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги мақолатхонаси раҳбари М. Барри Лейн иштирок этмоқда.

«ОБУНА-99»

ЯҚИН СУҲБАТДОШ

Ҳамма буюк ишлар, улакан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиши, албатта, Сиз озоод замондошимиз туғайлидир. Шу бонс мамлакатимизнинг энг йирик нашлааридан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Янги Сизнинг манфаатларингиз, ўй-орзуларингиз олиб чиқилади.



«Халқ сўзи» халқники. Унинг маънавияти, қадриятлари ифодаланади бунда. Ҳар қандай тўқма-лардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холис суҳбатдош истасангиз, юртимизнинг келажиги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлари бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.

Элимиз дастурхонининг тўқилиги, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчи-

маётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади. Азиялар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йилимизда рўй беражак воқеалар ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевоСИТА чамбарчас кечади, албатта.

Ҳаётнинг ўзига яраша янгиликлар, турли-туман воқеаларини бағрига олиб янги кун бошланади. Тонг отади. Ана шу бегубор, сокин тонг нафаси, кайфияти заминини тарқ этмай туриб, тафсилотлар эшитгини очган «Халқ сўзи»ни қўлга оласиз. Фикрингизни чархлайсиз. Маънавий чанқоқлик ҳовури бошланади. Бу ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган давлат. Шу давлатдан бебаҳра қилишни истамаган юртдошларимизга эса наир кўрсаткичларимизни эслатиб ўтаимиз:

Нашр кўрсаткичи:

Обуна нархи:	1 ойга	3 ойга	6 ойга	Йиллик
— яқка шаҳарлар учун	287	335	1.772	2.010
— ташкилотлар учун	963	1.170	5.778	7.020
				11.556

Ташкилотлар, корхоналар, компания ва концернлар, бирлашма ва муассасалар, фирмалар раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА

«Халқ сўзи» газетаси таҳририяти 1999 йил обунасини ташкил қилиш ақунлари юзасидан энг фаол иштирокчиларни рағбатлантириш бўйича МУКОФОТЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

1. «Халқ сўзи»га 200 донга йиллик обуна учун — ТЕЛЕВИЗОР
2. 300 донга учун — ВИДЕОМАГНИТАФОН
3. 500 донга учун — РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОР
4. 1000 донга учун — «DAEWOO» ВИДЕОИККИЛИГИ
5. 3000 донга учун — (супермукофот) — «ТИКО» автомобили

Шунингдек, обуна мавсумида фаол иштирок этганлар қимматбаҳо совғалар оладилар ҳамда «Халқ сўзи»га бепул обуна бўлиш имтиёзига эга бўладилар.

«Халқ сўзи»га ёзилинг ва мукофотлар соҳиби бўлинг!



Галаир сўвдан кўтариладиган палла этиб келди. Эрта баҳордан қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатаётди. Этироф этиш жоизки, Қарши туманида бу йил қўлга киритилган ютуқлардан кишининг кўнгли қўвонади. Туманда пилладан тортиб, сабзавотча, галладан тортиб ширин-шакар полиз маҳсулотларигача мўлақў бўлди. Барча жабҳалардаги режалар тўла-тўқис бажарилаётди. Бугун республикамиз бўйлаб яна бир хушхабар — Қарши тумани меҳнаткашлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариб, давлат қабул пунктларига 40 минг тоннадан зиёд сифатли сапоат хомашиси топширдилар.

МАНФААТДОРЛИК БОР ЖОЙДА

— Галабага осонликча эришилмади, — дейди туман ҳокими Сайфулла Хайруллаев. — Деҳқон мулк эгаси бўлгач, жойларда меҳнатга ҳамда мулкча муносабат ўзгарди. Эндиликда меҳнат қилган қадр то-паяпти, тўқ ва бадавлат яшаб, фаровонликча эриш-паяпти. Бу нарсани ҳар бир деҳқон мисолида яққол кўриш мумкин.

Деҳқоннинг табияти қизиқ: даласини яшнатма-гунача тиниб-тинчмайди. Маълумки, Қашқадарь то-монларда саратон ойлари гўят иссиқ бўлади. Шунда ҳам деҳқон даласини тарк этмайди. Ҳар тип гўзани кўз қорачиғидай асраб-авайлайди. Меҳнатдан қоч-майди. Негаки, пешона тери тўкиб меҳнат қилса — нони бутун бўлади. Бу нарсани деҳқон кўриб ту-рибди. Шу боисдан у она заминини ардоқлайди, изла-ниб, югуриб-елади, муста-қил юртимизнинг гуллаб-яшнашига ҳиссам қўшил-син, дейди...

Қаршиликлар ҳам ана шундай олий ҳиммат ки-шилардир. Улар уйган 40

минг тонналик хирмонда ўзини пахтакор деб билган ҳар бир фидойининг меҳна-ти мужассам. Энг юқори кўрсаткичга эришган Яхши Омонов номли, Собир Ра-ҳимов номли, Ипак йўли номли, Юсуф Хушвақтов номли, «Бешкент» жамоа ҳўжаликлари пахтакорлари-нинг меҳнат ютуқлари таҳ-синга сазовордир. Ташки-лотчи, талбиркор раҳбарлар Жўра Турсунов, Суюн Аб-диев, Анвар Хушвақтов, Курбон Тулаев, Шомурод Султоновлар бош бўлган ҳўжаликларда иқтисодий со-ҳаларда юқори кўрсаткич-ларга эришилди.


«Ипак йўли» ҳўжалиги-нинг Нормўмин Ризаев, Аб-дулла Ниёзов, Худобер Но-ров раҳбар бўлган бригада-лари заршунослари ҳосил-дорликни 40 центнердан оширган бўлсалар, Яхши Омонов номли жамоа ҳўжа-лигининг Пулат Хилманов, Шавкат Каримов, Руийдин Қудратов, Собир Раҳимов номли жамоа ҳўжалигидан Мамат Ботиров, Собир Ра-ҳимов, Фарҳод Муродов, Тўра Эминов, Юсуф Хуш-вақтов номли жамоа ҳўжа-

лигидан Шоди Худойберди-ев, Холикул Отамурадov, Шавкат Жўраев, «Бешкент» жамоа ҳўжалигидан Фарҳод Темиров, Отабек Эркаев, Исмаил Давронов раҳбарлик қилаётган бригадаларда хо-силдорлик 45-47 центнерга етказилди.

Моддий манфаатдорлик бор жойда унум ва муваф-фақият бўлиши табиий. Бунинг теран англаган туман ҳокимлиги ҳўжаликлар раҳ-барияти теримчи, механизаторларга ўз вақтида маош бериб боришни таъминла-дилар. Одамларнинг яхши ишлаб, кўнглили ҳордиқ олишлари учун етарли шароитлар яратилди. Пахта-корлар тиббиёт, савдо ва бо-шқа хизмат турларидан баҳ-раманд бўлмоқдалар.

Йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилганлиги ишга якун ясалди, деган гап эмас. Чунки далада ҳали ҳосил кўп. Қаршиликлар режалар ташқари хирмонга яна беш минг тонна пахта тўкишни ният қилишган. Туман деҳқонлари ўз сўла-рининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқда-лар.

Бозор ЭРҚОРОВ.



ҲОСИЛДОРЛИК 45 центнерга етди

Айни кунларда Тўрақўрган туманидаги «Намуна» шир-кат ҳўжалиги далаларида бўлган киши қизгин меҳнат устидан чиқади. Барчанинг асосий мақсади этишти-рилган пахта ҳосилини тез ва сифатли йиғиштириб олишга қаратилган.

Ҳўжалик пахтакорлари мавжуд 789 гектар майдон-нинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришини ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар. Йиғим-терим-да пахта териш машиналаридан унумли фойдаланилаёт-гани айниқса яхши самаралар бераётди.

СУРАТЛАРДА: машина терими қизгин; ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Самижон Темиров ўз та-сарруфидоги ерлардан 45 центнердан хирмон кўтариб, режаси зиёди билан бажарган звено етакчиси Му-ҳаммадали Саломов билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ВАҚТ ҚАДРИНИ ЗАР ДЕБ БИЛГАНЛАР

Тумандаги мўйсифидларнинг гапига қараганда бу йил Сайхунбодда пахта йили бўлди. Барақам ҳосил яра-тилишини бош сабаби далаларда тўлиқ гектарлар яра-тилди. Ишлов бериш, ниҳолларни озиклантириш оби-тобида ўтказилди.

Далил деганлари ўзар нарсга бўлади. Ҳуддан на кўз ююб, на қўчиб қўтилиш мумкин. Агар бу далил хайри бўлса нур устига аъло нурдир. 1998 йил-да сайхунбодликлар вилоятда биринчи бўлиб «қумуш тола» этиштириш режасини ошириб бажардилар. Шунингдек улар вилоятда биринчи бўлиб галла сотиш давлат буюртмасини ўринлатишди. Энди навбат ви-лоятда биринчи бўлиб пахта сотиш топширини бажариш-га келди.

Урра-урраччилик билан, шовқин-сурон билан ҳеч нар-сага эришиб бўлмайди, — дей-ди ўтган йилнинг охирида ту-ман ҳокими этиб тайинланган Султон Раҳмонқулов. — Катта мақсадга эришиш учун аввало ташкилотчилик, одамларнинг бошини қовуштириш, улар тўғрисида гамхўрлик қилиш каби талабларнинг улдасидан чиқишини керак. Биз бу бо-рала маълум бир натижаларга эришдик. Октябрь ойи зарб-дор ой деб эълон қилинди. Бар-ча куч, эътибор йиғим-терим-га қаратилди. 230 нафар ме-ханизатор бепул махсус кийим-бош билан таъминланди. Ҳўжа-ликлар ва туман матлубот ҳис-содорлик жамиятининг дўкон ва оморборлари 1000 тоннага яқин ун, ёғ, шакар, гуруч ва бошқа кундалик эҳтиёж учун озик-овқат маҳсулотлари жам-ғарилган. Мақсадимиз киши-лар мавсум давомида бир соат ҳам вақтларини ана шу маҳсу-лотларни топишга сарфлашма-син.

Туманда рағбатлантиришга эътибор катта. Чунонки, 150 тонна пахта терган механизатор 50 минг сўм, 100 тонна пахта терган механизатор эса 35 минг сўм мукофот пули олади. Сифат ишмининг

бош мезони деб эълон қилин-ган. 25 октябрь кун режани бажариш мўлжаллангити. Дав-латга 40 минг тонна сифатли пахта етказиб берилди.

Яхши ният — ярим давлат-дир. Аммо яхши ният унумли меҳнат билан, амалий иш би-лан пайваста бўлганда самара беради. Туманининг чаман бўлиб очилган пахта далалари-да бўлиб бу ерда иш билан сўз бирлигига эришилганлигининг гувоҳи бўлдик. «Бирлашган» жамоа ҳўжалигидан Омон Тўраев етакчилик қилаётган «Тўрабек» фермер ҳўжалиги пахтакорлари ўтган йили ҳар гектардан ўртача 44 центнер-дан ҳосил этиштиришган эди. Улар бу йилги маррани 50 цен-тер деб белгилашди. Деҳ-қонлар ҳузурида бўлганимизда қувончли воқеанинг устидан чиқдик. Улар уч кун ичида 22 гектар пахта майдонидан 70 тонна ҳосил йиғиштириб ал-лақачон мажбуриятни ҳам ба-жариб қўйишди.

— Далада кўй сўйиб одам-ларга тўй қилиб бердик, — дей-ди Омон Тўраев. — Ўтган йили даромадимиз 700 минг сўмга етганди. Ҳосилдорликни 50 центнерга етказдик, 2,2 милли-он сўм даромад қилар экан-миз. Ана шунда ҳар бир аъзо-миз йил якунига кура яна 80-100 минг сўмдан мукофот пули олишди.

Туманда «Бирлашган» жамоа ҳўжалиги ва «Пахтакор» шир-катлар уюшмаси деҳқонлари йиғим-теримда қарвонбошлик қилишайпти. «Пахтакор»чилар-нинг ҳам шаштлари баланд. Улар бу йил салкам 6 минг тонналик хирмон яратиш учун астойдил тер тўкишайпти. Уюшма раиси Фозил Алимов-нинг таъкидлашича ҳўжаликда мавжуд 44 та терим агрегати-

нинг ҳар бири билан кўнгида йиллик режанинг 2,5 фоизи миқдорда ҳосил йиғишти-риб олинапти. Амрихон Уролбеов, Нуриддин Эрна-заров, Мурод Тўхтасинов, Рустам Давронов сингари ме-ханизаторлар эса 4-5 тонна-дан пахта теришайпти.

Туманда галати бир тал-бир белгиланган. Унинг мо-ҳияти шундан иборатки, ме-ханизатор ва теримчиларнинг меҳнат ҳақини 6 кундан ке-чқиртириб тулган ва ҳосил нобудгарчилигига йўл қўйган ҳўжалик раҳбари, бош мута-хассислар ойлук маош ва му-қофатдан бенасиб қотар экан. Эҳтимол, бу тадбир қилар учун ўта қаттиққўлликдай ту-юлиши мумкин. Лекин ту-ман раҳбарларининг эътиро-фича фақат мулойимлик, ширинсузлик, айбларни ҳас-пўшлаш билан катта мақсад-га эришиб бўлмайди. Вақ-тида қўланган қаттиққўллик ўзининг ширин мевасини албатта беради.

Туманда 12 минг гектар майдон машина терими учун ажратилган. Бугунги кунда ана шу далаларда 210 та те-рим агрегати ва 20 минг на-фар киши йиғим-теримда фаол иштирок этаёпти. Юқорида туман ҳудудини Сирдарё сулолари ҳўши ту-ришини айтгандик. Дарё бу ер-нинг табиятига ажиб бир гузаллик, ўзгача бир тароват бағишлаган.

Яқинда сайхунбодликлар кунлик уйишда вилоятда би-ринчи ўринга чиқиб олиш-ди.

Вақтни олий ҳакам бил-ган, ишни тўғри ташкил қилган деҳқонга омад албат-та қилиб боради. Кўз кўнги қанчалик саҳий нур тўкма-син унга ишонсин, сунинг ноуриндир. Бунинг яхши бил-ган сайхунбодликлар гайрат отига қамчи босиб зафар мар-раси сари далил интилиш-моқда.

А. ХОНИМҚУЛОВ.

«Халқ сўзи» мухбири.

23 октябрь Венгрия миллий байрами — Республика эълон қилинган кун

ВЕНГРИЯ: МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Венгрия ҳақида гап кетганда, аввало, кейинги ўн йил ичида унинг катта ўзгаришларини бошидан кечи-раётганини тизга олинади.

Мамлакат ҳукумати, авва-ло, Венгрияни Европа Ит-тифоқига аъзо бўлишига ало-ҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда, Иттифоққа аъзо мамлакатлар билан ҳам-корлик янада кенгайтирилди. Албатта, ЕИга аъзо бўлиш учун мамлакатда ички ва ташқи сиёсий муаммолар бартараф қилинмоғи, хусу-сийлаштириш жараёни якун-ланган бўлиши ва пул қалр-сизланиши белгиланган меъ-ёрлардан ошмаслиги лозим. Мамлакатда шундай талаб-ларни бажариш борасидаги ишлар фаоллашди. Айни пайтда, Венгрия Шимолий Атлантика ҳарбий блокига (НАТО) қўшилиш борасида ҳам фаол ҳаракатлар олиб бормоқда.

Хорижий мутахассислар Венгрия иқтисодиёти йил-дан-йилга ўсиб бораётгани, пулнинг қадрсизланиш дара-жаси эса белгиланган меъ-ёрлардан эътироф эт-моқда. Шу сабаб, жаҳон мо-лиявий ташкилотлари ва хусу-сий талбиркорлар Венгрия-га қўйлаб сармоя киритмоқ-да, қўшма корхоналар сони тобора ошиб бораётди.

Мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми йил сайин ўсиши билан бир қаторда, унинг экспорт қуввати ҳам ошяпти. Жумладан, ўтган йили ялпи ички маҳсулот 1996 йилга нисбатан икки фоизга ошган. 1997 йилнинг саккизи ойида эса экспорт ҳажми 11,6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган.

Бу 1996 йилги кўрсаткичга қараганда 16 фоиз кўп. Экс-портнинг 64 фоизи Герма-ния, Австрия, Италия, АҚШ ва Россия каби давлатларга тўғри келади. Венгрия хо-рижга асосан қишлоқ ҳўжа-лига ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва унинг эҳтиёт қисмларини юнатилади. Айниқса, у авто-мобилсозлик борасида катта тажрибага эга. У ерда ишлаб чиқарилган «Икарус» авто-буслари дунёга машҳур.

Ўзбекистон билан Венгрия ўртасида дипломатик муно-сабатлар 1992 йилда ўрнатил-ган эди. Ўша йили Ўзбекис-тон делегацияси Будапештга бўлиб, ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида битим имзолаган эди. Шундан сўнг венгриялик талбиркорлар-нинг ҳам мамлакатимизга амалий ташрифлари бошлан-ди ва 1995 йилда Тошкентда Венгриянинг савдо ва мала-ний маркази фаолият кўрса-та бошлади. Айни пайтда мамлакатимизда венгрия-ликлар билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар самарали фаолият кўрсатмоқ-да.

1997 йилнинг октябрида Венгрия Республикаси пре-зиденти Арпад Гёнц бошчи-лигидаги делегация мамлака-тимизга ташриф буюрган эди. Ташриф асносида мам-лакатларимиз ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни яна-да чуқурлаштириш тўғриси-да Декларация имзоланган эди. Бу ҳужжат икки мамла-кат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратди.

1997 йилнинг саккизи ойи-да икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми йил-дан-йилга ўсиб бормоқда. Венгриядан мамлакатим-изга дорин-дармон, озиқ-ов-қат ва бошқа маҳсулотлар келтирилади. Ўзбекистон эса Венгрияга асосан пахта тола-си экспорт қилади.

Қузатувчиларнинг фикри-ча, янги йигирма биринчи аср Венгриянинг сиёсий, иж-тимоий ва маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар даври бўлади. Чунки, мамлакатни Европа Иттифоқи ва НАТО-га қўшилиш йўлидаги сая-ҳаракатлар амалга ошса, бу Венгрия ҳаётида янгича та-моилларни, янгича мезон-ларни яратди. Бу эса мам-лакат тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Рашид МАХМУДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Норин туманидаги «Ҳаққубод» тикувчилик фабрикаси жамоаси истеъ-молчилар талаб-истакларини ўрганган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам фабрика тикувчилари томонидан сотувга чиқарилаётган кийим-кечаклар харидоргир.

Суратда: жамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келаётган чевар тикувчи Марғубахон Турғунова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?

«Савдо шахобчаларининг кенаяётган-лиги яхши, лекин савдода барча маҳсу-лотлар белгиланган нархларда сотилаёт-ганини кўрмайсиз, — деб

ёзади Сурхондарё вилояти-нинг Денов туманидан фу-қаро Урол Бекмуродов. — Ун, пахта ёғи ва бошқа маҳсу-лотлар билан таъминлашда узилчиларга йўл қўйилмоқ-да. Айрим ҳолларда сақла-ниш мuddати ўтиб кетган маҳсулотлар ҳам сотилмоқ-да. Савдо ишларини касса-назорат аппаратлари ерда-мида амалга ошириш ҳақида махсус кўрсатма бор. Бизда дастлабки пайтларда шун-дай йўл тутилди, лекин кўп ўтмай кас-са-назорат аппаратлари йўқ қилинди. Маҳаллий раҳбарларимиз бу ҳақда жид-дий йўлаб кўришлари даркор».

Мазкур хат ҳокимликда туман, шаҳар савдо корхоналари, «Бободехқон» бозори ва шу соҳага масъул бўлган ходимлар иш-тироксига кўриб чиқилди, деб ёзади таҳ-ририятга юборилган жавоб мактубида Де-нов тумани ҳокимининг биринчи ўринбо-сари — шаҳар ҳокими жаноб Ж. Олтибо-ев. Туманда савдо шахобчалари фаоли-ят нозорат органлари томонидан текши-рилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Жум-ладан, шу йил давомида 238 та текши-

риш ўтказилди, 177 ҳолатда амалдаги қарорлар бажарилиши бузилаётганлиги аниқланди. Камчиликларга йўл қўйган ташкилот раҳбарлари ва ходимларига маъмурий чора-лар кўрилди, 11 ҳолат бўйи-ча эса жиноий иш қўзғати-либ, ҳужжатлар туман про-куратурасига ўтказилди.

Айни пайтда савдо шахоб-чаларининг 77 тасида касса машиналари ишида камчи-ликлар борлиги аниқланди, айбдорларга нисбатан те-гишли чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, «Бободехқон» бозори фаоли-ятини яхшилаш, деҳқонларга ўзлари этиш-тирган маҳсулотларни сотиш учун етар-ли шароит яратиб бериш мақсадида ту-ман ва шаҳар бозорлари бирлаштирилди. Бозорга ишбилармон, тадбиркор киши раҳ-бар қилиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарларининг сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғриси-да»ги қарорини бажариш бўйича тад-бирлар белгиланди. Бозорларда, тижорат дўконларида сотилаётган маҳсулотларнинг сифати нозорат қилиб боришмоқда, кам-чиликларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

ДОН УРУҒЧИЛИГИГА ЭЪТИБОР

Навоий вилоятида галла-чиликини ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқ-да. Шу мақсадда Андижон бошқоли дон ва дуккакли ўсимликлар уруғчилиги ин-ститутининг бўлими ташкил этилди. «Ёнбош», «Маржон»,

«Улғбек-600» каби йигирма-га яқин бугдой нави тажри-ба майдонларига экилди. Жумладан, Навбахор тума-нидаги Й. Охунбобоев ном-ли жамоа ҳўжалигида 17 хил бугдой ва 5 хил арпа навла-ри экилди. Уруғлик бир тек-

кис униб чиққан майдон-ларда ўғитлаш ва суғориш ишлари бошлаб юборилди. Ўқозилаётган тажриба-лар натижаси ўлароқ яқин вақт ичида зарур миқдор-даги уруғлик вилоятнинг ўзи-да тайёрланишига бўлди.

ЎЗА

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «МЕВАСАБЗАВОТБАНК» И

1998 йил 23 ноябрда соат 10-00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 98, киночилар уйи биносиди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акционерлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Мевасабзавотбанк» кенгаши ва бошқарувининг 9 ойлик иш фаолияти ҳисоботи.
2. «Мевасабзавотбанк» Низомига киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида.
3. «Ихтисослашган акциядорлик-тижорат «Мевасабзавотбанк» тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.
4. «Ихтисослашган акциядорлик-тижорат «Мевасабзавотбанк» кенгаши тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш.
5. «Мевасабзавотбанк» кенгаши раиси билан бошқаруви раиси ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси лойиҳасини тасдиқлаш.
6. Банк кенгаш таркиби ҳақида.
7. Банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш.
8. Бошқа масалалар.

LL4107

«Баки Инвестинг» масъулияти чекланган жамияти «Ле Меридиен» меҳмонхонаси жамоа-си «Ўзбектуризм» миллий компанияси раисининг биринчи ўринбосари Нигмат Абдуллаева отаси

Абдуллажон ЗОКИРОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик ихдор этади.



МИСРДАН ТЎЁНА БИЛАН

Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейлари муносабати билан Ўзбекистонда ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун кўлаб хорижий мамлакатлардан меҳмонлар келиши кутилмоқда. «Жаҳон» Аxbopот агентлигининг Қоҳирадаги мухбири мамлакатимиз ҳукумати томонидан тақдиф қилинган Миср олимлари делегацияси раҳбари Ал-Азхар университетининг ректори, Миср Араб Республикаси Халқ мажлиси (парламент) депутати, профессор Аҳмад Умар Хошим билан суҳбатлашди.

размий, Аҳмад ал-Фарғонийнинг мумтоз илмий-маърифий мерослари дунёда энг қўна илм ва маърифат масканларидан ҳисоблангани ал-Азхар университетидagi тахсил жараёнида талабалар ва устозу профессорлар томонидан асосий манба сифатида ўрганилишини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Буюк ўзбек алломалари имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейларини ўтказиш буйича ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳукумати-нинг қарорлари Миср давлат ва жамоат арбоблари, олим ва фозиллари томонидан зўр мамнуният билан қутиб олинган эди. Илм-маърифат йўлида жаҳон кезган ва ўзларининг беназир илмий асарлари билан шу минтақа халқининг маънавий қудрати ва имкониятини жумлаи жаҳонга маълум ва машҳур этиб, номини тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битган Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний номларини эъзозлаб келатган ал-Қоҳира, ал-Азхар, Айн-Шамс ва ал-Исхандария университетлари олимлари юбилей муносабати билан

алломалар бой илмий меросига бағишлаб илмий анжуманлар ўтказдилар. Миср оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда ўтказилиши мўлжалланган юбилей тадбирлари ҳақида батафсил ҳикоя қилиб борилади. Илмий анжуманларда моварауннахрлик буюк олимларини жаҳон фан

ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида батафсил сўз юритилди.

— **Ушбу юбилей муносабати билан Миср олимлари қандай ишларни амалга оширишди? Ўзбекистонда ўтказиладиган тантаналарга қандай тўғрисида тақдиф қилишди?**

— Миср олимлари аллома-

ларнинг ҳаёти ва ўлмас асарлари буйича янги маълумотларни ўрганиб китоблар тайёрладилар. Масалан, Айн-Шамс университети филология факультети профессори Аҳмад Саид ал-Холи Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан ҳамкорликда Қоҳирадаги Араб кўлезалари институти ҳазина-

ларида эъзозланиб сақланиб келинаётган ал-Фарғонийнинг «Самовий ҳаракатлар ва юлдузшунослик асослари китоби», «Ой Ер устида ёки унинг остида бўлган пайлалги вақтларни ўрганиш ҳақида рисола», «Устурлоб ҳақида мукаммал китоб», «Устурлоб санъати оид китоб» асарларидан нусхалар олиб Ўзбекистон Фанлар академиясига тўхфа қилди.


Айн-Шамс, ал-Қоҳира, ал-Азхар университетларининг профессори, асли ватандошини бўлган Насрулло Мубашшир Тарозий эса «Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадиси шарифларнинг туркий тиллардаги таржималарининг қўлеза китоблари буйича Миср мил-

тўйига тақдим қилиш ниятида.

Юбилей тантаналарининг яна бир қатнашчиси доктор Абдулла Ас-Садд эса «Марказий Осиё, Волга ва Кавказ улкаларидан етишиб чиққан алломалар библиографик энциклопедияси»нинг олти жиллини икки ўзбек алломасининг юбилейига армугон қилишини хабар қилди.

Жаҳон илм-маърифати ва маданиятига буюк ҳисса қўшган алломалар Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий меросига Мисрда қизиқиш катта. Бундан минг йиллар аввал Моварауннахр ва Нил соҳилдаги ўлкаларни илм ва маърифат соҳасидаги буюк ишлари билан боғлаган буюк алломалар тўйи Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги шу қўнларда ривожланиб бораётган самарали ҳамкорлиқни янада мустақкамлашга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Суҳбатни «Жаҳон» АА махсус мухбири Р. ҚОДИРОВ ёзиб олди.



Имом ал-Бухорий масжид-мажмуидан кўринишлар.



Абдулгани ЖУМА олган суратлар.

УЧ КИТОБ ТАҚДИМОТИ



бош тахририяти томонидан нашр қилинган. Ушбу китоб «Халқ илмининг Сул-

тони» деган шарафли номга сазовор бўлган буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва

фаолияти ҳақида китобхоналарга батафсил маълумот беради.

«Буюк муҳаддислар» номи билан чоп этирилган навбатдаги асар ҳам кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган бўлиб, муҳаддис боболар, жумладан ал-Бухорий ҳақидаги тасавури-мизни янада бойитлади. Ушбу асар «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида нашр қилинган.

Ҳар учала китобни муталаа қилар экансиз, кўксингизни таърифсиз бир фахр туйғуси эгаллайди.

Улуғ бобомиз ҳақидаги китоблар — мустақиллигининг нэматидир. Ушбу тақдимотда иштирок этганларнинг барчаси ана шу буюк ҳақиқатга амин бўлдилар.

Раҳмон АЛИ.

Абдулла ТУРДИЕВ

ХАЛҚЛАНИ

Зарафшон бўйида макон бор — Хартанг,
Бунда ҳур тафаккур гуллайди, не тонг.
Ҳадис гулгани — бу қадамжолар — қутлуғ
Юракка... қўйини чорлайди ҳар тонг.

Бугун тўй бошлайди бир зоти шариф,
На фақат насаби — бок, оти шариф.
Фақат ярашади илоҳий таъриф —
Бу ном замирида тозарайди онг.

Хева, Бухородан минорлар келмиш,
Дунёдан сарбаланд чинорлар келмиш —
Балодан асрай деб тум-морлар келмиш
«Тўйга!» — Карнай-сурнай садосида... бонг.

Оллоҳга сўйингай — кимки, мусулмон —
Саждагоҳ қибласи — эзулик томон.
Бўйла, халқ оқими дарёи уммон —
Хартангда — Қўёдай мунаввардир тонг.

Мен ҳам уйғондим дарёга чопдим,
Олмас мезий оша узимни топдим.
Бу юртга Истиқлол тўйини ёпдим —
Элим кенг жаҳонга таратмоқда донг.

Юрагим... о, қувонч завоқини ичар,
Фахр туйғусининг шавқини ичар!
Ул зоти шарифни Истиқлол кучар —
Муборак айёмдир — бу айём, не тонг,
Иймон тантанаси... тўй қутлуғ, Хартанг!!!

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РАЎБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази республика ҳудудига жойлашган барча акциядорлик жамиятлари раҳбарларига маълум қилади-ки, қимматли қўғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ, акциядорлик жамиятлари:

● қимматли қўғозлар (ҚҚ) чиқарилиши якуни тўғрисидаги чораклик ҳисоботини (ўсиб бориш тартибиди, 1-ҚҚ формасида) йилнинг ҳар чораги якунидан кейинги ойнинг 25 санасигача (масалан, III чорақ учун 25 октябр-гача);

● қимматли қўғозлар бўйича йиллик ҳисоботини (2-ҚҚ формасида) ҳисобот йили тугагандан кейин 1 июлгача;

● акциядорлар реестрини йилнинг ҳар чораги тугагандан кейин 10 кун ичида (реестр ёпилган санага) Марказга ёки унинг ҳудудий бўлимларига топширишлари лозим.

Ҳисоботлар ва акциядорлар реестри:

● агар, акциядорлик жамияти томонидан 100.0 млн. сўмдан кам ҳажмдаги қимматли қўғозлар бирламчи чиқарилиши амалга оширилган бўлса, у ҳолда Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий бўлимларига;

● агар, акциялар чиқарилиши 100.0 млн.сўмга тенг ёки ундан юқори бўлса ёки агар, қимматли қўғозлар чиқарилиши суғурта ташкилотлари ва компаниялари, фонд биржалари, инвестиция фондлари, бошқа молия муассасалари, хорижий эмитентлар томонидан амалга оширилган бўлса (акциялар чиқарилиши ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда), у ҳолда Марказга топширилади.

Марказнинг ҳисоботларини ёки реестрини топширмаган ёки ўз муддатига топширмаган акциядорлик жамиятларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қўғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми» тўғрисидаги Қонуннинг 31-моддасига асосан иқтисодий жарималар қўйлаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида эслатиб ўтамайиз.

Қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT САНОAT-ҚУРИЛИШ БАНКИ

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
1998 йил 28 ноябрь куни соат 10 да қуйидаги манзилда
ўтказилишини маълум қилади:
**Хоразм кўчаси, 6-уй, Ўзбекистон Республикаси Энергетика
вазирлиги биноси**

ҚУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг жорий йилдаги фаолияти ҳақида банк кенгаши ва бошқаруvinинг ҳисоботи.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзсаноатқурилишбанк уставидидаги ўзгаришлар ҳақида.
3. «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисида низом»ни тасдиқлаш.
4. «Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш.
5. «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш.
6. Банкнинг ижроия органини шартномавий ёллаш шаклига ўтказиш тўғрисида.
7. Банкнинг устав капиталини қўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.
8. «Ўзсаноатқурилишбанк» кенгашининг янги таркибини шакллантириш.
9. Банкнинг санок комиссиясига сайловлар.

Маълумот учун телефонлар: 133-24-86, 132-06-13.

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT САНОAT-ҚУРИЛИШ БАНКИ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН «ЗАМИН» ДАВЛАТ- АКЦИОНЕРЛИК ИПОТЕКА БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йил 25 ноябрь куни соат 10.00 да
Тошкент шаҳар. П.Ржевский кўчаси, 3 ўйда
банк акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши бўлади.

ҚУН ТАРТИБИ:

1. Банк бошқаруви ва кенгаши раисларининг 1998 йилнинг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари.
2. Банк Уставига ўзгаришлар киритиш тўғрисида.
3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк кенгаши тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш.
4. Банк кенгашининг янги таркибини сайлаш.
5. Банк бошқарувини шартнома асосида ёллашга ўтказиш ва бошқаруви раисини тасдиқлаш.
6. Банкнинг ташқи аудиториини тасдиқлаш.

Маълумот учун телефонлар: 55-82-59; 54-14-98.

«Замин» банк кенгаши.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбо-
сари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК
(бош муҳаррир
ўринбосари —
«Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —
133-57-34;
Ҳуқуқ —
136-07-94;
Иқтисодиёт —
136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги —
136-37-85
Маънавият ва маърифат —
136-35-60, 132-10-65;
Хатлар —
136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар —
132-12-08;
Халқаро ҳаёт —
132-11-15;
Котибият —
133-10-28;
Эълонлар —
136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби
№ 00001

Буюртма Г — 0413,
27353 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-III
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
Сергей ЛУКИН ва
Жамшид ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир —
Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи —
А. ЖҲРАЕВ.
Мусаххач —
Ф. УСМОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми
5 қўғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топшириш
вақти — 21.00
топирилади — 23.00
1 2 3 4 5 6